


ОДИЛЖОН САЛОҲИДДИНОВ

КИТОБ ВА
КИТОБХОНЛИК-
МАҶНАВИЯТ
КЎЗГУСИ



Одилжон Салоҳиддинов

**КИТОБ ВА КИТОБХОНЛИК-
МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ**

Андижон-2020й

Муаллиф

Одилжон Салоҳиддинов

**Андижон Давлат тиббиёт институтининг ички
касалликлар пропедевтикаси кафедраси
профессори,тиббиёт фанлари доктори**

Тақризчи:

З.С.Салоҳиддинов

**Андижон Давлат тиббиёт институтининг 1-УАШТ
кафедраси мудири, тиббиёт фанлар доктори,
профессор**

Андижон-2020й

Сўз боши

Маълумки, инсоннинг маънавий дунёсини қандай эканлиги унинг нутқи орқали намоён бўлади. Ўз қалбига чексиз меҳр кўйган ҳар бир инсон сұхбат чоғида ҳар бир харф, сўзга эътибор беради. Бунга фақат баъдий китобларни кўп ўқиш билан эришилади. Китоб ақлни пешлайди, мулоқат санъатини оширади. Лекин афсуски, кейинги пайлари инсонларнинг китобга бўлган муносабати сусайди.

Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг 2017-йил 13- сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори вазиятни ўзгартиришга айни муддао бўлди.

Хабарингиз бор, хозирда мамлакатимизда кўчма китоб дўконлари ташкил қилинмоқда, китобхонлик анжуманлари, энг яхши китобхон конкурслари ўtkazilmоқда.

Юқоридаги қарорни ижросини таъминлаш мақсадида ушбу рисола тайёрланди. Ушбу рисоладаги мақолалар китобхонликни тарғиб қилишда ижобий натижка беради, деб ўйлайман.

Муаллиф.

Китоб инсонга ҳам дўст, ҳам ҳамроҳдир

Мустақил давлатимиз пойдеворини юксак маънавият асосида қуришни мақсад қилиб олган Ўзбекистон хукумати истиқтолнинг илк йилларидаёқ маънавиятга эътибор қаратиб, уни давлат сиёсати даражасига кўтаргани бежиз эмас.

Инсон тафаккурини ўстирмасдан, унинг маънавий дунёсини бойитмасдан туриб, жамиятни қайта қуриш ва ижтимоий-иктисодий соҳада жадаллаштириш вазифаларини бажариш, ҳар томонлама етук ва баркамол инсонни тарбиялаш, ёшларга ахлоқий фазилатларни сингдириш кийин кечади.

Маънавий баркамоллик, интеллектуал салоҳият, дунёкараш, савиянинг юксалиши, бир сўз билан айтганда, комиллик погонасига фақат ва фақат китоб орқалигина эришиш мумкин. Эзгулик офтоби бўлган бу хилқат нечача асрлар давомида аждодларимиз йўлини ёритиб, уларни маслак ва оламшумул эзгу максадларини амалга ошириб келган. Абу Райхон Беруний, Ал Хоразмий, Ахмад Юғнакий, Абу Али Ибн Сино, Имом Ал-Бухорий каби юксак алломаларимизнинг доимий ҳамроҳлари китоб бўлгани ва нажот шуъласи уларни маънан комилликка кўтаргани ҳам шубҳасиз ҳақиқатдир.

Китоб инсонга энг яқин ҳамроҳ, энг яқин сухбатдош, соғлом тан учун содиқ маслаҳатчи. Бадиий китоблар инсонга маънавий озуқа бериб, уларнинг хис-туйғуларини, турмуш машмашаларини очишни, ёмондан яхшини, адолатсизликдан адолатни, оқдан қорани ажратишни ўргатади.

Бадий адабиёт ота-она, устоз каби руҳимизга кириб борувчи, инсоннинг ҳаёт сўқмокларидан қийналмай ўтишида ёрдам беручи, дардига малҳам бўлувчи дўст десак, муболаға бўлмас.

Ўқиганим бор. Оғир дардга чалинган бир бемор, ҳаётдан умидини узиб турган пайтида, унинг йўлига эл севган адаб Ўткир Хошимовнинг «Икки эшик орасида» номли китоби тушиб қолибди ва у уни қайта – қайта ўқиб чиқибди. Бу асар унинг ҳаётга бўлган ишончи ва умидини орттирибди, хасталик билан курашишга астойдил бел боғлабди ва ниҳоят, дардан халос бўлган экан.

Худди шундай воқеа халкимиз эъзозига сазовор бўлаётган шоира Марҳабо Каримованинг бир шеърини қайта-қайта ўқиб ёдлагандан сўнг ҳам юз берган экан. Бу каби мисолларни ҳаётдан яна кўплаб келтириш мумкин.

Китоб ўқиб юрадиган инсонларнинг ақли зукко, руҳияти теран, тили бурро, нотиқлик сифатлари юқори бўлади.

Институтимизда бўлажак шифокорлар тайёрланади. Биласиз, шифокор учун ақл фаросат, шарқона майнин мулозамат жуда зарур. Беморга энг биринчи даво-бу ширин сўз. Унинг ўрнини беҳисоб дори-дармонлар боса олмайди. Ширин сўз бемор кайфиятини кўтаради, унинг согайишига бўлган ишончини оширади. Шу боис, шифокор ўзининг нутқи, муомала маданиятини, сўз бойлигини нафақат мутахассисликка оид, балки бадий китобларни ҳам ўқиб бориб, ошириши мумкин.

Шифокорни она тилимизга, унинг бебаҳо дурдоналарига меҳри муҳаббати бекиёс, ихлоси баланд ва чексиз бўлиши керак. Халқ оғзаки ижодини, мумтоз адабиётимизни, сўз писанъатини муносиб кадрлайдиган шифокоргина ўз

халқининг азиз ва эъзозли хакими даражасига кўтарилиши мумкин.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев ҳам ўз маърузаларида: «Бугунги кун болалари эртанги кунги халқга айланади. Ёшларни китобга қайтариш керак. Ахборот-коммуникация соҳасидаги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларимизни китоб ўқишига қизиқишини кучайтиришга, уларни китоб билан дўст бўлишига, ахолининг китобхонлик савиғасини янада оширишга алоҳида зътибор кўрсатиш лозим», деб кўп бора таъкидлайдилар.

Китобни севган инсон шу Ватанинг баҳтли дилбанди бўла олади. Шу боис бўлса керак, Хисрав Дехлавий ҳам: «Кимнингки жавҳади бўлса илм фан, у хар жойда азиз, улуғ, муҳтарам» деганлар.

Институтимиз кутубхонасида минглаб бадиий адабиётлар, ҳилма-ҳил журнал, газеталар мавжуд. Лекин кутубхонага кириб, уларни ўқиётган талабалар сони канча? Агар талабалардан кутубхонада қанақа бадиий журналлар бор, деб сўраб кўрсак, жавоби бизни коникитирадими? Бизнинг фикримизча, ҳар бир устоз амалий дарс жараёнида 2-3 дақиқа вақт ажратиб, талабалардан бу хафтада қандай адабий китоб ёки журнал ёки газета ўқиганлиги ва ундан талаба ўзига қандай ижобий натижка олганлигини суриштирса, китобни аҳамияти ҳақида сўзлаб берса, талабаларга бадиий асар қаҳрамонларининг олийжаноб фазилатларидан ўrnak олишга даъват этса, талабаларга ўзбек тили кафедрасида китобхонлик мавзуси буйича рефератлар ёздиришса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Китоб инсонни қандай яшашга ўргатади.


Китоб инсоният яратган шундай мўъжизаки у руҳиятга, қалбга нур бағишлайди. Сеҳрли кучи шундаки, унда шонли ўтмиш нурафшон, бугунги ёрқин келажак бир нуқтада бирлашади. Аслида инсон, ҳаётга ўзлигини англашга дунёни билишга, хамда ундан нажот топишга харакат қиласди. Бу йўлда эса албатта китоб унга маёқ бўлади. Китоб хеч қачон қаримайдиган, ўз маънавий мулкини авлоддан авлодга элтувчи сехгардир. Инсон улгайган сари кўп дўст орттиради. Биринчиси- оғир кунингда ҳам, шодиёна кунингда ҳам ,сен билан бирга бўлган чин дўстлар. Иккинчиси- сен билан манфаат учун дўстлашган инсонлар. Бундай инсонлар обрўйинг, давлатинг борида ҳамроҳ, бошинга кулфат тушса бегонага айланади.

Китоб биринчи тоифадаги дўстларга ўхшайди. Энг оғир кунингда ҳам китоб сени ёлғизлатиб қўймайди.

Талабалар билан суҳбатлашиш чоғида бир иқтидорли талабамиз: Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" "Мехробдан чаён" Примкул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" "Авлодлар давони", Уткир Хошимовнинг "Икки эшик орасида" каби асарлари мени маънавият хазинаси томон етаклаб адабиёт оламига ошно қилди.

Мен бир куни муқовасида "Мартин Иден" деб ёзилган бир китобни кўриб қолдим.

Бу китобда бир суратга кўзим тушди. Унда елканлари шишган кема, кемада узоқларга тикилаётган бола тасвиrlанган. Негадир бу суърат менга ёқиб қолди. Китобни олиб, қанча варақласам ҳам , бошқа бунақа суърат тополмадим. Бу китобни олиб, уни ўқиши бошладим.



Китоб мени ҳаёт, дунё, орзу, армон, муҳаббат ҳақидаги тасаввурларимни бутунлай ўзгартириб юборди.

Ҳаёт асли фақат курашдан иборатлиги, унга фақат кучлиларгина яшашга ҳақли эканини тушунгандек бўлдим. Асли денгизчи бўлган Мартинни нурга интилиши, қалбида туғилган орзуларини ниҳолдек парваришланиши, мени хайратга солди. Муҳаббатга етишиш илинжи, келажакка ишонч йўлидаги событқадамлигидан, инсон асли қандай яшаш кераклигини хис қилдим.

Хафталаб туз тортмай, оғир меҳнат қилган, шундай бўлса ҳам келажакка умид билан яшаган Мартиндан ўrnak олишим кераклигини тушундим.

Ёзувчи "Мартин Иден" тимсолида ҳаётни нақадар оғирлигини, меҳнатни қаттиқлигини ишонч паймол бўлганида, муҳаббат саробга айланиши мумкинлигини огоҳлантириди. Бу китоб ҳаёт зарбаларидан чарчаган, хеч кими, суюнчиғи йўқ келажакка умиди қолмаган, хеч нарсага ишонмай кўйган, ҳаётини шунчаки ўтгувчи лаҳзалар деб қабул қилаётган одамни яшашга ўргатади. Асли ишонч ва орзу яшашимиз учун ёрдам берганини англайди ва келажакка олға бошлайди. "Шунда сен туғилдингми, энди яна тишиңгни-тишиңга қўйиб чидаб-чидаб яша" деган шиорни эслатади.

Хулоса қилиб шуни айтаманки, "Мартин Иден" китоби мени келажак учун курашга ўргатди" деб, сўзини тугатди. Глобаллашув жараёнида "оммавий маърифат" ниқоби остида четдан турли бузғунчи ва ёт ғояларни индувидуализм, эгоцентризм каби бирёклама қарашларнинг суқилиб кириётганлиги, ижтимоий тармоқлардаги ахлоқсизлик ва зўравонликларнинг тарғиб этилаётганлиги, хавотирнинг нечоғли жиддий эканлигини, яна бир бор тасдиқлади.

Бу хавфли таъсирлардан йироқланишнинг бир неча усуслари мавжуд.

Улардан энг самариллиси- китобхонликдир.

Давлатимиз раҳбари бугунда ёшларни китоб ўқишига, китобхонликка даъват қилинаётгани бежиззмас. Ҳақиқатан ҳам инсон қанчалик кўп ўқиса, маънавияти шунчали

юксалади. Дунёда кечаётган жараёнларни тубдан тахлил қилған хар қандай холатнинг ижобий ва салбий томонларини англаб етади . Лекин шуни англаб етиш керакки, ҳамма китоблар ҳам юксак савияда мазмунли эмас.

Китобни танлаб ўқишни ҳам билиш керак. Китоб ўқиган инсон, китоб ўқиб бўлгач, ижобий томонга ўзгариши керак. Агар у ўзгармаса, унинг ўқигани билан, у китобхон эмас китобхўр бўлиб қолаверади.

Мен инсонларни китобхон бўлишларини истаб қоламан.

Китоб ўқишни энди ўргандим

Азиз китобхон! Мен қўйида бир талабанинг маъruzасини келтиришни лозим топдим. У маъruzасига: "Китоб ўқишни энди ўргандим" деб ном қўйибди. У сўз бошлади: "Коллежда ўқиб юрган пайтимда, она- тили ва адабиет ўқитувчимиз дарсни шундай берилиб ўтар эдики, бундан хеч ким бебахра қолмас эди. Дарсларни ўтиш давомида у бизларни китоб ўқишга қизиқтира олди.





Авваллари битта китобни амаллаб бир ойда ўқиб битирсам, энди уч кунда тугатадиган бўлдим.

Мен китоб ўқиш жараёнида ишонинг, асардаги воқеалар ичиди, қаҳрамонлар билан ёнма- ён яшашни ўргандим.

Том маънода айтганда, китоб ўқиши энди ўргандим.

Айниқса, Ойбекнинг «Навоий», Одил Ёкубовнинг «Улугбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Авлодлар довони» романларини мутолаа қилаётib, мозий кино тасмаларидек кўз олдимда кетма-кет гавдаланди.

Фёдор Достаевскийнинг «Жиноят ва жазо» асарида руҳият оламининг барча кўчаларига кириб чиқдим, Нодир нуру Думбадзенинг «Абадият конуни » асари эса менга

инсонларга хамиша яхшилик қилиш ва ёрдам қўлини чўзиш абадият қонуни эканини ўргатди.

Китоб ўқиб, мен янгидан-янги дўстлар орттиридим. Бир тенгдошим билан сухбатда у: «Болалигимдан китобга меҳрим бўлакча, китоблар ичида катта бўлганман» деди.

Айтишича, унинг отаси мактабда ўқитувчи бўлгани учун ҳамма оила аъзоларини зиёли бўлишини истар экан. Оила даврасида хар ким қайси китобни мутолаа қилаётганини сўрар экан, сухбат ўз-ўзидан бахс, мунозара га айланиб кетар экан. Ана оиласда китобхоннинг тарғиботи.

Мен институтда 1-2 курсларда ўқиб юрган чоғларимда ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида устозлардан кўп яхши сабоқларни олганман. Мен кўп адабий китобларни ўқиб юраман.

4-курсда устозимиз Одил Салоҳиддинович Салоҳиддинов ҳар бир ўтилаётган мавзунинг тарбиявий томонини ҳаётий мисоллар билан очиб борди, бизни маънавият оламига яна етаклади. Мен бу устознинг ўзи ёзган маънавият рукнидаги китобларидан ўқиб, кўп маънавий озуқа олдим . Китобни севишни, уни қандай ўқишни бу устозимдан яна билиб олдим.

Мен устознинг bemорлар кўригига қатнашиб, ўқиган китоблар сабоги, ёди мулоқат пайтида қанчалик зарур эканини тушуниб етдим. Устозни bemорлар кўригидан сўнг палатадаги bemорлар билан сухбатлашганимда, улар устоз сўзларини тинглаб, тузалишга бўлган ишончлари ортганини, кайфиятлари кўтарилганини кўп бора таъкидлашди. Буларнинг хаммаси менимча кўп китоб ўқищдан бўлса керак.

Мен ҳам устоздек шифокор бўлишга ният қилдим. Бирор машгулот билан банд бўлган инсон вақтини бехуда сарфламасдан, бекор юрмасдан, ўзи учун белгилаб олган марра сари илдамлар экан. Мен китоб ўқиб, мушоҳада ва мулоҳаза юритишни ўрганаяпман.

Машхур ёзувчилардан бири: «Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар меваю, япроқ» деб ёзади. Бир нарса аёнки, мен ҳам умид билан таёқ суқдим, яхши, эл севган шифокор бўламан, мевасини эса эл билан баҳам кўраман, деган умиддаман».





Kitobxon bolalar uchun yaxshi shikomiyat

Gazetamizda yangi — «Men yopqirgen kitob» loyihasi boshlandi! Unda siz sevib mutolaa qilgan kitobingiz, undan olgantaessurotlarinigiz, asar hadisasi uqtarganligini gazetamizga elektron pochta, dagi surʼatiga yuborishning mumkinligini qoʼshtikchi bilan qoʼshing. Hancha gazetamiz sahitalarida eʼlon qilinadi. Ha, oytgancha, xurʼatingizni ham yuborishni umrimang!

Telʼfon: 013711 284-91-82

Telegram: +998 97 444-80-80

Китоб хақида яна нималарни биламиз?

Китоб-миллатнинг ақл кўзини ёритувчи одобдир. Китоб-тovушсиз кўмақдош, тўгри йўл ва инсон ички дунёсини бойитувчи дўстdir.

Шоира Зебинисо китоб хақида: «Менинг умр йулдошим ҳам китоб, баҳтим ҳам китоб, хатто жаннатим ҳам китоб» деган экан.

Бобомиз Амир Темур: «Китоб бизга бунёдкорлик, ақлидрок, илму донишнинг асоси, ҳаётни ўргатувчи мураббийdir» деган бўлса, атоқли адаб Аскад Мухтор: «Китоб бойлик, фақат сотиб олингани эмас, ўқилгани» деган экан.

Китоб ўқиб юрадиган инсонларнинг ақли зукко, руҳияти теран, тили бурро, нотиқлик сифатлари юқори бўлади, давра сухбатида тингловчилар диққатини ўзига осон жалб эта олади. Китоб ўқийдиганларни ҳам уч тоифага бўлиш мумкун. Булардан биринчиси—китобхўр-у китобларни йигади-ю, лекин уларни ўқимайди. Иккинчиси—китобдон-у дуч келган китобни танламай ўқийверади, вақтини бекор ўтказади. Учинчиси— китобхон-у китобни танлаб ўқииди ва уни уқади, ундан маънавий озуқа олишни билади.

Кишилар ўртасидаги мұомалада қатор нұхсонлар мавжуд, уларни яхши тарбия, яхши китоб ўқиши билан бартараф этиш мүмкін. Айримлар тараққиёт сабаб хозирда китоб ўрнини телефон, компьютер зғаллады, дейишишмоқда. Яхши күрсатув, фойдалы әшиттирувни ҳам фойдаси яхши, аммо барибир улар китоб ўрнини боса олмайды. Яхши китоб ўқиши ва үқишка гап күп. Болага насиҳат қилишнинг әнг самарали усули--- болага китобдан ўрганған ибратли ривоятлар, әртаклар айтиб беришдир.

Сиз китобни қўлга олганингизда жиiddий тортасиз, саҳифаларини ўқиши асносида диққатингиз бир нуқтага жам бўлади. Сиз воқеалар, образлар оламига шўнгийсиз. Буни биргина, қўл телефони, хатто интернет ҳам бера олмайди. Китоб ўқимайдигон инсонларнинг савияси жуда паст бўлади. Сизлар, қўйидаги бир мисолга эътибор берингларчи!!!

Мустақиллик даврида, яни 1950-йиллар бўлса керак, Тбилисининг «Динамо» футбол жамоаси аъзолариниг сиёсий билимларини текширмоқчи бўлишибди. Хайъат аъзолари ўтирган хона деворида ўша пайтдаги сиёсий партия бюроси аъзоларининг партретлари илиб қўйилган экан.Хонага биринчи бўлиб футбол жамоси капитани Слава Метревелини чакиришибди.

Слава! Мана бу деворда илиниб турган расмдагилардан биринчиси ким? деб савол беришибти. У: «Билмайман» дебди. Мана бунисичи деб, иккинчи партретни кўрсатишибди. У яна «Билмайман» дебди. Хайъат аъзолари: "Дикқат, билан қара бу ким?" дейишибди. У бўлса: " Уни қаёқдан билай, у бизни командадан эмас" дебди. Хайъат аъзолари: " Оббо галварс, ўз отангни ҳам танимайсанми, бу доҳимиз Иосир Сталин бўлади" дейишибди. Шунда Метревели: «Тушундим, лекин бу одам нега менинг отам бўларкан, мени ўз қиблагоҳим борку» депти. Шунда хайъат аъзолари; Сталин ҳам сенинг отанг, агар билсанг» дейишибти.

Шу вақт эшикда турган команда аъзоларидан Месхи деган футболист шу савол- жавобларни эшик тирқишидан эшитиб турган экан. Навбат унга келибди. Ҳайъат аъзолари Месхига бир портретни кўрсатиб: "Бу ким?" дейишибди. Месхи унга қараб: "Танимайман" дебди. "Бунисиничи" деб иккинчи портретни кўрсатишибди. У яна елкасини кисибди. Мана бу мўйловдор одам ким? деб Stalin портретини кўрсатишибди. Шунда Месхи: Бу «Метревилининг отаси» дебди. ҳамма ҳайъат аъзолари хайрон бўлиб, «Ие, буёги қандай бўлди?» дейишибди. Сўнг улар: «Хўб, манна бу расмдаги ким?» деб навбатдаги портретни кўрсатишибди. У Berияни портрети экан. Месхи бўлса: «Бу киши хойнахой Метревилини амакиваччаси бўлса керак» деган экан.

Китоб ўқимайдиган инсон шу холатга тушадида. Китоб ўқимайдиган инсон шоир билан ёзувчини фарқига бормай, айrim холларда ҳалқ орасида муомалада изза- бўлиб қолади.

Севимли ёзувчимиз Тохир Маликни биласизлар. У шоирми ёки ёзувчими, бунга аҳамият бермай, у билан учрашувда бир инсон унга қараб: "Сиз охирги шеърларингиздан ўқиб беринг," дебди. Тохир Малик шоир эмас, ёзувчи. Шундай бўлсада у бу савиясиз, фахм-фаросатсиз инсонга қуидагича жавоб берган экан: "Ер хайдайдиган еринг бўламан, бугундан бошлаб эринг бўламан. Мана шу менинг биринчи ва охирги шеърим бўлсин", деган экан.

Азизлар! бундай холатга тушиб қолмаслик учун китоб ўқинг, уни севинг!

Мени улғайтирган асар

Кафедрамизда ўтказилаётган маънавият соатларининг бирида бир талабамиз сўз олиб, китоб ҳақида қуидагиларни баён қилди. Уни сиз азиз китобхонларга айнан келтираман. У ўз маърузасига "Мени улғайтирган асар", деб ном қўйибди.

Китоб инсонни улғайтиради деганлари рост экан. қанча күп китоб ўқисанг, ҳаётта бўлган қизиқишинг, дунё қарашинг, ўзингга бўлган ишончинг ортаверар экан. Мен мактабда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ўқиб, назорат ишида «5» баҳо олганман. Аввалига мен китобни факат «5» баҳо олиш учун ўқиб чиқкан бўлсам, иккинчи бор бошқача таассурот билан мутолаа қилдим. Китоб мени ўзига оханграбодек боғлаб олди.



Онажоним ҳам бу китоб ҳақида тўлқинланиб гапириб берди. Асадаги қаҳрамонлар, айниқса, Кумуш образи мени китобни яна ўқишга унданди. Шу куни тундан қарз булиб қолдим. Гўё китобни ёпгудек бўлсам, яхши кўрган фильмим тугаб қолади-ю, мен уни ўтказиб юборадигандек. Баъзида Кумушга раҳмим келди, баъзида Зайнабнинг қилган ишидан аччикландим. Хатто Отабекка икки эмас, уч ўт орасида қолганига куюндим ҳам. Ёзувчи асар қаҳрамонларини шундай танлаганки, агар бут бўлмаса, асар ўзига ўхшамай қоладигандек. Хуллас, ўша китоб мени жасоратга, меҳр-муҳаббатга ўргатди.

Мактабни битириб, колледжга кирдим. Энди ўзимни анча улғайғандек сездим. Колледждаги адабиёт дарсида устозимиз « Ўтган кунлар » романи ҳақида маълумот бериб, шу китобни ўқишни тавсия қилди. « Мен бу китобни ўқиганман » дедим ҳаммадан олдин. Устозимиз эса « Яна ўқинг зарар қилмайди » деди табассум билан. Бу китобни қанча ўқисангиз, шунча кам қаҳрамонларга разм солинг, уларни ўрганинг, ўзингиз учун кашф қилинг », деди устоз вазифани тушунтира туриб.

Баъзилар ўқиган китобини қайта ўқигиси келмайди, аммо менда ундаи бўлмади. Худди китобни биринчи бор қўлга оляпману, ундаги воқеалар яна хайратга соладигандай туюлаверди. Энди катта одамнинг нигоҳи билан ўқий бошладим. Қаҳрамонларни тахлил қилдим. Тарихга назар солдим. Хуллас фикрлашни ўргандим.

Хозир институт талабасиман. Буни қарангки ўқишим жараёнида яна ўша севимли асарим ошно бўлди. Эндиликда қаҳрамонлар устидан ўзим билганча хукм чиқара бошладим. Китобни ўқишни эмас, уқиб олишни ўргандим. Ҳақиқатдан ҳам китоб инсонни улгайтирас экан. Китобдаги ҳар бир сюжет китобхонни ниманидир ўрганишга, мушоҳада қилишга ундаркан.

Масалан, асарнинг манна бу жойи ҳақиқатда ўзбек хонадонида келинга ҳурмат, қайнота ва келин ўртасидаги кўринмас парда – андишанинг юқорилигини намоён этган. « Кумуш уялиб, зўргагина салом берди ва Юнусбек хожининг яқинига келиб, буйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб, сўйди ва Кумушнинг манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди. Буни қарангки, Юнусбек ҳожи мана шу билан келинига баҳт тилади, оиласига қабул қилди. Бу албаттат, ўзбек оталарига хос фазилат.

« Ўткан кунлар » асарини хозир ҳам ўқир эканман, китобдан ўрганадиган нарсаларим хали ҳам кўп эканлигига амин бўлдим. Гёё китоб мен учун ёзилгандек. Отабек ва Кумуш ўртасидаги муҳаббатни кўриб мени ҳам ўзгача бир хис қамраб олди. Кумушнинг ботиний ва зохирий гўзаллиги кўзларимни қамаштиргандек эди. Мен бу асардан ёрга садоқатни, чексиз муҳаббатни, қуёш янглиқ меҳрни, ота-онага ҳурматни, аёлларга хос андишани, маъсумаликни, сўнмас севгини ўргандим.



Оилада китобнинг ўрни

Китоб-бу мўъжиза. Китоблар замон тўлқинларида сузувчи ва ўзини қимматбаҳо юкини авлодлардан авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемасидир.

Мутолаа жараёнида инсон тафаккури чексизлик бағрига саёҳат килиб, кандайдир сирли равишда китоб билан узилмас алоқа ўрнатади. Китобхон асарнинг ичидаги яшайди, қаҳрамонлар тортган руҳий азоблару, эришган шодникларига ҳамроҳ бўлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, китобга муҳаббат, мутолаага эътибор, энг аввало оилада шаклланиши керак, деб ўйлайман.

Китобга чуқур ҳурмат билан қарайдиган оила муҳитида ўсган фарзанд ҳам унга меҳр кўяди. Айнан болалик пайтида ўқилган китоблар инсон хотирасида абадий муҳрланади.

Шунинг учун ҳам мен мактабда ўқиб юрган давримда мутолаа қилган асарларим « Сариқ девни миниб » дан « Алвидо болалик » гача, « Ўтган кунлар »дан « Фарғона тонг отгунча »га қадар бўлган хотираларим қалбимнинг тўрида жойлашгандир.

Бугунги кунда аксарият ёшлар китобга беъэтибор бўлиб бораётгани киши дилини хира қиласди.

Савол туғилади. Охирги пайтда ёшлар нега китоб ўқимай қўйиши? Ким бунда айбдор? Кўзни чирт юмиб тан оламизки, маънавий қашшоқликка юз бураётган ёшлар ичидаги сизу-бизнинг дўстимиз, яқин инсонларимизнинг ҳам бўлиши шубҳасиз.

Орамизда « Болада китоб ўқишига бўлган иштиёқни ошириш ўқитувчи ва мураббийларнинг иши » дейдиганлар кўп топилади. Аммо улар қаттиқ янглишадилар.

Уйида қўлига китоб олмаган боланинг мактабда қандай ўқишини тасаввур қилиш амри маҳол.

Ўқитувчи болада мавжуд китобга меҳр туйғусини шакллантиради, холос. Шу сабабли ҳам ота-оналар фарзандларининг маънавий камолотта эришишида биринчи рол ўйнайди, деб ўйлайман.

Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор: агар ота-онанинг ўзи китоб ўқимасачи?

Якинда шунга доир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бекатда бир таниш аёл билан тасодифан учрашиб қолдим. У менга «Қизимнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси «Ўтган кунлар» асари асосида кичик бир сахна кўриниши тайёрлаётган экан. Қизимга ҳам рол берибди. У қизимга: «Ролга яхшилаб тайёрлан, керак бўлса асарни ўқиб чиқ» деб қаттиқ тайинлабди. Қизим уйга келиб : «Онажон, шу асарни қачонлардир ўқиган бўлсангиз озгина ҳикоя қилиб беринг» деди. Биринчи марта номини эшитиб турган китобни ўқимаганим учун, уни қандай асар эканини билмадим. Сизни кўрганим яхши бўлди, шуни ўқиган танишларингиз борми? деб сўраётган эдим» деди. Бу савол менда қандайдир аянч ва хайрат хиссини уйғотди. Назаримда фарзандининг олдида мана шундай вазиятта тушиб қолиш ота-она учун жуда ачинарли хол бўлса керак, деб ўйлайман.

Ўзбек романчилигига асос солган Абдулла Кодирийдек буюк ёзувчимизнинг каттаю-кичикка ёд бўлиб кетган асарини билмаслик – бу фожиа, бу уят, деб ўйлайман.

Шу боис, мен ўйланиб қолдим, аввало ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб эмас, айрим ота-оналар китобга бефарқ, деб айтсак тўғрироқ бўлармикан?

Яна бир масала, хозирда, китоблар кўп. Айрим китоблар ўта пухта, айримлари саёз, маъносиз ҳам деса бўлади. Шу боис, яхши китоб танлаб ўқий олиш ҳам юксак дид ва маҳорат талаб этишини унумаслик керак, деб ўйлайман.

Бу холатдан кутилиш учун нима қилмок керак? Менимча, Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, ҳамда тарғиб этиш бўйича комплекс чора тадбирлар дастури» тўғрисида чиқарган қарорининг ижроси сифатида китоб мутолаа қилиш ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилишга оид фаолиятни барча жойларда таъминлаб, китоблар сонини эмас, китобхонлар сонини оширишга асосий эътибор қаратиш лозим.

Кутубхоналарга ёшларни жалб этиш, уларнинг ёши ва дунёқарашига мос китобларни янада кўпайтириш керак. Энг асосийси оиласда китобхонлик маданиятини юксалтириш зарур.

Аввало фарзанд ота-онасининг китоб ўқиётганини кўрсин ва улардан ибрат олсин. Ота-оналар болаларининг қўлларидан ушлаб китоб дўконларига олиб борсинлар, у ердаги минглаб китобларни кўрсатсинглар, айримларини олиб бериш билан уларни китобхонликка рағбатлантирсинглар.

Яна оиласа ота-оналар фарзандларини қизиқкан йүналишдаги тұғарак ва машғулотларга жалб этишлари керак. Шу машғулотларга дахлдор китобларни олиб бериш билан боладаги истеъдод ва иқтидорни юзага чиқарыш мүмкін. Шу тарзда фарзанд болалиқдан китоб ўқишига бўлган эҳтиёжни хис қилади.

Демак, ёшларни мустақил фикрлай олсин, ўз устида ишласин, дейилса уларни кўпроқ китобга ошно қилиш керак, деб ўйлайман.





Фидойи маърифат тарқатувчи

Немис ҳалқининг буюк шоири ва файласуфи Гёте «Мутолаа кучли санъатдир» деган эди.

Хозирда онгимизни турли ҳил сериаллар, кино-фильмлар, концертлар ва шоулар тинимсиз «бомбардимон» этиб турган бир даврда, бу кучли санъатни эгалламоқ кишидан кучли ақл ва олий тоифадаги фаросатни талаб қиласи.

Маъно-мантиқсиз фильмлардаги кадрлар, санъатни оёқости қилаётган куй-қўшиқлардан, бепарда қизиқчиликлардан енгил завқ олишга ўрганган мияси дангасаликка мойил кишиларни мутолаага жалб қилиш осон эмас. Бу вазифани адo этиш катта фидойиликни талаб этади.

Фидойилик ҳақида гап кетганда, қардош Туркияда «Эшакчи кутубхоначи» номи билан машҳур бўлган Мустафо Гўзалкўз ибрати мисол бўла олади.

23 ёшли Мустафо Гўзалкўз Навшаҳар провинциясининг Ўргуп шаҳридаги «Тақсин оға» номли катта кутубхонага кутубхоначи этиб тайинланади. Болалигидан мутолаага меҳр қўйган Мустафо ҳаяжон билан кутубхонага келувчиларни кутади. Лекин 10 кун ўтса ҳам кутубхонага хеч ким келмайди. Шунда у атрофдаги дўконларга, хунармандларнинг устахоналарига кириб, у ердагиларни мутолаага даъват қиласи. Лекин у ердаги кишилар: «Биз китоб ўқиб ўтирасак, болаларимизни ким боқади? Тирикчилик нима бўлади? Китоб ўқиш-ташвиши йўқларнинг иши» дейишади.

Мустафо хокимиятдаги маъмурларга бу ҳақда хабар беради. У ердаги совуққон, кибрли амалдорлар: «Эй, нима

қиласан бошингни оғритиб? Жойингда тинчгина ўтиравермайсанми, маошингни вақтида олаёттганг бўлсанг. Ўқиш-ўқимаслик шахсий масала. Керак бўлса ўқишин, ўқишмаса садқаи сар», дебтилар.

Ёш кутубхоначи бу билан тинчмай, ўзича ўйлай-ўйлай хокимиядан бир эшак ажиратиб беришларини сўрапти. Унга битта эшак беришибди.

Кейин у 100 тадан китоб сиқадигон иккита сандик ясаттириб, сандикларнинг устига «Сайёр кутубхона хизмати» деб ёздирибти. Кутубхона эшигига «Иш кунидушанба ва жума» кунлари деб ёзибди-да, ўзи сандикларга китобларни тўлдириб, қишлоқма-қишлоқ юриб, у ердаги китобларни қишлок ахлига шарҳлаб берабошлади.

У: «Бу китобларни сизларга ўқиш учун ташлаб кетаман. Роппа-роса 15 кундан кейин уларни олгани кепаман ва ўрнига бошқа китоблар келтираман. Сизлар эса ўқиган китобларингиздан олган таъсуротларингизни мен билан ўртоқлашасизлар, дер экан.

Жонкуяр кутубхоначи шу тариқа ўнлаб қишлоқларни кезиб, китоб ва мутолаа тарғиботи билан шуғулланади. Қишлоқ ахли айниқса болалар уни хар келишини интизорлик билан кутишадиган бўлишади. Бу харакатлар ёзниг жазириласида ҳам, қишининг қаҳротонида ҳам амалга оширилаберади. Ахоли бир неча юзлаб ўзларининг ва чет эл адабиётининг нодир асарларни ўқиб, мағзини ўқиш баҳтига мұяссар бўла бошлабдилар. Энди одамлар кутубхонага ҳам кела бошлишибди, лекин у қиз-аёлларнинг кутубхонага келмаёттганлигини сезибди.

Қиз, аёллар – келажак авлод тарбиячилари. Келажак авлод тақдирини китоб ўқимайдиган оналар қўлига топшириб бўлмайди? деб ўйлаб, уларни ҳам кутубхонага келиш йўлларини қидира бошлабди. Аёлларнинг кўпчилиги

тикиш-бичиш билан шуғулланишар экан. Улар бу ишларни кўлда бажаришар экан, шу сабабли китоб ўқишга вақт ажратишлари қийин экан.

Мустафо тикув машиналарини ишлаб чиқарувчи «Зенит» ва «Зингер» компанияларига мактуб йўллаб, агар улар тикув машиналарини кутубхонага хадя қилишса, компанияларини номини кутубхонанинг пештоқига ёзиб қўйишини, халқ уларни доимо дуо қилишларини баён қилибди. Шу тариқа «Зенит» компанияси 9 та, «Зингер» компанияси 1 сўнгги русумдаги тикув машинасини хадя қилишибди. Бу, бу компанияларнинг биринчи хомийлик иши бўлган экан.

Мустафо кутубхонанинг сесланба кунини «Кутубхонада аёллар куни» деб эълон қилибди.

У жорий этган тартибга кўра, шу куни кутубхонага келган аёллар тикув машиналаридан бирнеча соат фойдаланиш хуқуқига эга бўларканлар, фақат хафтада биттадан китоб ўқиш ва ўқиганидан олган таъсуротини бошқаларга айтиб бериш шарти билан.

Натижа Мустафо ўйлагандан зиёда бўлибди. Сесланба кунлари кутубхона атрофидаги махаллалар ва яқин қишлоқлардан қиз-жувонлар кела бошлабди. Тикув машина 10 та бўлгани учун, унга навбат кутаётгандан аёллар кутубхонадан китоб олиб ўқиб ўтирад эканлар.

Улар орасида саводсиз, ўқиш- ёзишни билмайдиганлар ҳам кўп бўлибди. Мустафо рафиқаси билан бундай аёлларга китобларни овоз чиқариб ўқиб беришар экан. У аёлларда ҳам китоб ўқишга қизиқиш бошланибди. Бу аёлларда ўқиши- ёзишни ўрганишга бўлган истак кучайганини кўрган кутубхоначиб хафтанинг бир кунини «Кутубхонада сабоқ

куни» дея эълон қилиб, хохловчилар учун ўқиш-ёзишни ўргатадиган курслар ташкил қилибди. Аёллар сабоқ чиқарабошлабдилар.

Мустафо шу билангина чекланиб қолмабди. Гилам тўқишига оид энг мукаммал ёзилган кўлланмалардан топиб, уларни ўзи ўқиб, ўрганибди, ва янгича усулда гилам тўқишини босқичма-босқич ўргатувчи курслар ҳам ташкил қилибди. Бу курсларни тамомлашган аёллар ўз қишлоқларига бориб, гилам тўқишининг янги технологияларини бошқа қизларга ҳам ўргата бошлабди. Натижада худудда гиламчилик шаклениниб, тез орада марказий бозорларга қўлда тўқилган, юқори сифатли гиламлар юборила бошланибди.

Халқ орасида бу кутубхоначининг обрўси ва шухрати кундан-кунга ошиб борибди. ҳамма ерда хасад деган ёмон иллат бор. У ерда ҳам амалдорлар кутубхоначига хасад билан қарай бошлишибди. Хасадчилар: «Кутубхоначи давлат белгилаган маошдан қониқмай, пул дардида қишлоқ одамларининг бошини айлантираяпти» деб юқори ташкилотларга шикоят хати йўллашибди. Ваҳоланки, у хеч кимдан пул олмай, фақат давлат белгилаган маош билан кун кечирар экан. Уни текширгани келган ҳайъат аъзолари унинг фаолиятидан камчилик топмабдилар.

Лекин хасадчилар тек турмай, судда даъво очишга эришибдилар. Суд: «Кутубхоначи Мустафо Гўзалкўз ўз ваколати доирасидан ташқарида, расмий руҳсатсиз фаолият юритган» деган айблов билан эллик ёшга етган кутубхоначини мажбурий равища нафақага чиқариш ва фаолиятларининг барчасини тўхтатиш хақида қарор чиқарибди. Кўрдингизми, хасаднинг кучини. Кутубхоначи 2005- йили 85 ёшида вафот этибди.

Лекин кенг омма вакиллари чин маънода зиё тарқатган бу инсонни келажак авлодлар унутмасин дея, Навшахар провинсиясининг Ўргул шахарчасида кутубхоначи Мустафо Гузалкўз ва эшагининг хайкалини барпо этибдилар. Бутун мамлакат уни танийдиган бўлиди. Шу кутубхоначи фаолиятидан ўрнак олиб, бугун ҳар биримиз, ўз махалламизнинг, қишлоғимизнинг, шахримизнинг зиё тарқатувчиси, маърифат улашувчиси бўла олишимиз мумкун. Бунинг учун биздан кучли истак, ақл-фаросат, билим ва сабир-бардош талаб этилади. Бизни шундай фидойи инсонларга эхтиёжимиз бор.

Китоб ҳақида донолар фикрлари

1.“Үзимдаги барча яхши фазилатлар учун китобдан миннатдорман”

Максим Горький.

2. “Китоб ўқишни одат құлмаган оила-маънавий қашшоқ оиласынан”

П.А.Павленко.

3.” Китоб сени ҳали сен күрмаган дүнёга олиб боради, сен эшиитмаган сўзларни айтади”

Герцен.

4.” Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар”

Дени Дидро.

5.” Китоблар эҳтиорсиз, бироқ садоқатли дўстдир”

Гюго.

6.” Китоблар инсоният фикри дурдоналарини тўплаб авлодларга етказади”

Ойбек.

Болага китоб беринг!

Осмонларда юрганлар,
Олтин сарой қурғанлар,
“Не берай?” деб турғанлар,
Болага китоб беринг!

Бола оққуш, оқ каптар,
Дунёлардан бехабар,
Ёвузлик топмай хабар,
Болага китоб беринг!

Қингир йўлга кирмасдан,
Пешонага урмасдан,
Кимдир пичоқ бермасдан,
Болага китоб беринг!

Интернет деган аждар,
Симидан оқар захар.
“Дод” демай рўзи маҳшар,
Болага китоб беринг!

“Кел!”-дея имлар тузоқ,
Қабр қазир, қазир чоҳ,
Минг-минг астағфируллоҳ,
Болага китоб беринг!

Кўзи очиқ кўрмасдан,
Шайтон йўлдан урмасдан,
Отадан юз бурмасдан,
Болага китоб беринг!

Хонлар каби юрганлар,
Хонсаройлар қурғанлар,
“Не берай?”-деб турғанлар,
Болага китоб беринг!

Күзларни очиш керак,
Ғафлатдан қочиш керак,
Қанот чикариш керак,
Болага китоб беринг!

Дерсиз:"Пул йигиши керак...
Олтину кумуш керак..."
Худодан құрқиши керак,
Болага китоб беринг!

Хазинайи жаҳон у,
Кичик Абу Райхон у,
Сизга караб ҳайрон у,
Болага китоб беринг!

Бухорий-сарварим у,
Термизий-анварим у,
Маҳмуд Замахшарий у,
Болага китоб беринг

Кескир қилич бўлсин у,
Китобга ўч бўлсин у.
Енгилмас куч бўлсин у,
Болага китоб беринг!

Навоийни билсин у,
Ёнингизга келсин у,
Бахтли бола бўлсин у,
Болага китоб беринг!

Буни билиб қўйганингиз маъқул.

1Беш нарса беш нарсага сабаб бўлади.

Кўзни ҳаромдан тиймаслик- зинога.

Таъмагирлик-пушаймонликка.

Қаноат-Аллоҳнинг тақдиридан рози бўлишга.

Кўп сафар қилиш- маърифат-илмга.

Ҳаддан ортиқ тортишиш-хусумат, адватга.

2.Беш нарса беш нарсани олиб келади.

Истиғфор-ризқни.

Кўзни ҳаромдан тийиш-фаросатни.

Ҳаё-яхшиликни.

Юмшоқ гапириш-эҳтиёжларини битиришни.

Ғазаб-пушаймонликни.

3.Беш нарса беш нарсадан сақлайди.

Мулойимлик-ғазабдан.

Аллоҳдан паноҳ сўраш-шайтоннинг ёмонлигидан.

Шошилмаслик-пушаймонлиқдан

Тилни тийиш-хатодан.

Дуо- қадардаги ёмонлиқдан.

4. Беш кишининг борлиги баҳтдир.

Ота-онасига яхшилик килувчи фарзанд. Солиҳа рафиқа.

Вафодор дўст. Мўмин қўшни. Фақиҳ олим.

5. Беш нарса беш нарса билан катталашади.

Гулхан-ўтин билан.

Шубҳа-гумон билан.

Қўполлик-ёмон муомала билан.

Хусумат-хатоларни ўзаро кечириб юбормаслик билан,

Яқинлар ўртасидаги алоқаларнинг узулиши-ҳол-аҳвол
сўраб турмаслик билан.

6. Беш нарса беш нарса билан ёқимли бўлади.

Соғлик-яхши ҳаёт билан.

Сафар-яхши ҳамроҳ билан.

Чирой-гўзал хулқ билан.

Уйку-хотиржамлик билан.

Тун-Аллоҳнинг зикри билан.

7. Қўйидагилар қандайлиги беш холатда билинади.

Дараҳт-меваси пишганда.

Аёл-эри камбағаллашиб қолганда.

Ростгўй киши-кийинчиллик вақтида.

Мўмин-синов келганида.

Сахий-унга одамларнинг ҳожати тушганида.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

I. ОДОБ ВА АҲЛОҚ БОРАСИДА

1. Ерни қаттиқ тепса юаринг бордур,
Эшикни қаттиқ тепма киаринг бордур,
Бирорга қилма дилозорлик,
Бир кун қайтиминг оларинг бордур.

2. Кўнгил деганлари мисоли шиша,
Синиб қолмасин у, асрар ҳамиша.

3. Ношукур бўлиш яхши эмас. Сабр қилиб, нафсни тия
билиш керак. Кимки бунга қобил экан, сув сойликни, ўрдак
кўлни топгани каби, хушбаҳтлик ва саодат эшиклари унга
очилади.

4. Ўз нафсин мағлуб этаолган марддир,
Фийбатдан узокроқ кетаолган марддир.
Номард тепиб ўтар йиқилгандарни,
Ожизлар қўлин туваолган марддир.

5. Агар сен бевафо бўлсанг, вафосиз бевафодан қоч!
Лай, ю. Вафонинг қимматин билмай, юрувчи норасодан қоч!

Қошинда инчинин мақтаб, йўғингда юргувчи нолиб,
Тилига дил эмас пайванд, мунофик дилқародан қоч!

6. Яхши одам бўлмоқ эрсанг ҳулқи атворинг тузат!
Тил билан дил синдирувчи баъзи озоринг тузат!
Тан ва жонинг бўлсаки соғ шукрини айлаб бажо,
Ёш чоғингни елга бермай касб ила коринг тузат!

7. Дунёда мөхмонлар дунё талашса,
Хешу акраболар ола қарашса,
Бир-бирига ҳасад нигоҳ қадашса,
Ҳайқиригим келади, шундайин дамлар,
Бағри кенгроқ бўлинг, азиз одамлар!

8. Бўлсангчи агар раҳбар ҳар ишда адолат қил,
Бир хилда насиҳатни тинглашга хуб одат қил.
Қошингга бўлиб мухтоҷманд одам келса,
Бор сенда ахир имкон, албатта иноят қил.

9. Насиҳат ҳақиқий даво, уни ичган одам, ёқимсиз
хулқлардан озод бўлади.

10. Ростгўйнинг ҳамиша юзи ёруғ, дили шод бўлади.

11.Чўққига чиқиб, ҳарсангтош қулатиш, бироннинг миннатини кўтаришдан енгилроқдир.

12. Инсон шарафининг ривожи – адаб,
Қадри қимматининг гултожи – адаб.
Балою қазодан омон сақловчи,
Қалқону восита, иложи – адаб.

13 Адаб билан инсон иззат топади,
Обрўю, шарафу хизмат топади.
Адаб соҳибила сўзлашган киши,
Руҳига дармону, кувват топади.

14. Хомтақдан ҳар бир ток камолга етур,
Барги ҳаво олиб, шамолга етур.
Хомтак қилинмаса инсон феъли ҳам,
Фовлаб кетиб, охир заволи етур.

15. Беш дақиқа сабр дилни ёритади, беш дақиқа бесабр кимнингдир дилини оғритади.

16) Таъмагир-қайси мартабада туришидан қатъий назар-кулдир.

17) Гўзаллик суръатдагина эмас, сийратдадир.

- 18) Кийим, лиbos инсонни нафақат ташқи таъсирлардан химоя қилади, балки у лиbos эгасининг фахму-фаросатини кўрсатиб берувчи ойнадир.
- 19) Ёнаётган сигарет билан бирга инсон учун энг бебаҳо бойлик-саломатлик хам ёнади.
- 20) Ёшлар орзу билан, кексалар хотира билан яшайдилар.
- 21) Шодлиқда қувониб, армондан хикмат излаб яшамоқ керак.
- 22) Тўйгача кўзларингни каттароқ оч, тўйдан сўнг эса каттароқ юм.
- 23) Эзгу хулқ дўстликни, ёмон хулқ-душманликни келтиради.
- 24) Агар юрсанг пиёда, умринг бўлур зиёда.
- 25) Номусни дараҳтдан ўрганинг! Қаранг! У хаёт шарбатлари юраётган танасини қобиқ билан ўрайди. Агар уни бирор жойи кесилса, дархол шу жой ўрнини қобиқ билан беркитабошлайди. Унда хаё хукмрон. Яшаш зарурияти шуни тақазо этади.
- 26) Худодан умр бер, деб сўраётганларни кўрдим, баҳт бер, деб сўраётганларни кўрдим, фарзанд бер, давлат бер деб сўраётганларни кўрдим, фақат: "Эй яратган эгам, мен нодонга бир чимдим ақл бер, деб сўраганларни кўрмадим.
- 27) Бу қисқа хаётда кимдир бу дунё устунига бир гишт қўйса, кимдир уни кўчириб, дунёдан ўтади. Биз гишт қўювчилардан бўлайлик.
- 28) Барча қилинадиган ишлар ниятга боғлиқ. Инсон ниятига яраша ё савобга, ё гуноҳга эришур.

- 29) Дунёда захматсиз роҳат, ташвишсиз нөъмат топилиши мумкин эмас.
- 30) Хушчақчақлик-фақат саломатлик аломатигина эмас, балки касалликлардан күтқарувчи шифобахш фазилат хамдир.
- 31) Яхши хулқа эга бўлиш учун аввало ёмон хулқдан тийилиш керак.
- 32) Хар кимки маслаҳат вақтида маслаҳатчининг сўзига, муолажа вақтида табибнинг, шариат масалаларида зоҳиднинг сўзига кирмаса, яхши иш фойдасидан, муолажа шифосидан ва ибодат савобидан маҳрум бўлади.
- 33) Яхши отни кучли ва чопқир бўлғанлиги учун жиловлаб минадилар. Мевали дарахтни шохини меваси борлиги учун синдирадилар, товус эса гўзаллиги учун хамиша пати юлуқ ва қаноти қирқиқ бўлади.
- 34) Тинчлик билан кечирилган қисқа умр, қўрқув ва ташвиш билан кечирилган узоқ умрдан яхшироқдир.
- 35) Кимки қиссага қулоқ солса, албатта унинг хар биридан ўзига хисса олади.
- 36) Уч хил одам эришиш мумкин бўлмаган нарсага эришишни орзу қилади. Гуноҳ иш қилганлар-савобни, ёмонлик қилганлар-яхшиликни, умрини фосиқлик ва дилозорлик билан кечиргандар-жаннатни.
- 37) Одоб-улуғлик ва юксаклик қасрининг нарвони. Бу нарвон орқали барча мақсад манзилига етиш мумкин.
- 38) Одобли инсонни табибга қиёслашади, чунки у билан сухбатлашиш, кўнгилдаги ғамни ювади.

- 39) Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан илгарилардан ибрат ол.
- 40) Олимлар билан ўтири, уланинг суҳбатидан баҳраманд бўл. Осмон суви билан қуриган ерлар тирилгани каби, хикмат нури билан ўлган қалблар тирилади.
- 41) Ҳақиқий олим шундай кишики, унинг сўзи, ўйи, фикри ва иши бир хил бўлади.
- 42) Дил оғритувчи киши, куни келиб ҳасрат қонини ичиши муқаррардир.
- 43) Юксалиш қийин, пастлаш осон, негаки оғир тошни кўтариш қийин, ташлаб юбориш эса, осондир.
- 44) Бефахмга сўз тушунтиришдан кўра, елкада тош кўтариш афзал.
- 45) Нодоннинг дўсти, хасадчининг рохати, ёлғончининг муруввати бўлмайди.
- 46) Одамларга хурмат кўзи билан боқмоқ ва раҳм кўзи билан қарамоқ-ақллилик ва донолик белгисидир.
- 47) Дўстлик-лақмада, шафқат-серғазабда, халоллик-очкўзда бўлмайди.
- 48) Энг ёмон хислат-дунёда дўстларга қилинадиган макр ва хийладир.
- 49) Яхши дўст атирга ўхшайди, у ўз атиридан сизга бермасада, сиз унинг атирлари хидидан баҳраманд бўлаверасиз.
- 50) Ёмон улфат темирчи оловига ўхшайди, унинг олови сизни куйдирмасада, бироқ қора тутуни сизга таъсир қиласеради.

- 51) Хамма нарсанинг янгиси, аммо дўстнинг эскиси яхши.
- 52) Илм эгалланг! Илм-саҳрода дўст, хаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларида-йўлдош, бахтиёр дақиқаларда-рахбар, қайгули онларда-мададкор, одамлар орасида-зебу-зийнат, душманларга қарши-қуролдир.
- 53) Йигит кишининг уйида ширин муомала, мазали овқат, totuv оиласи бўлса, у кўча айланмайди.
- 54) Кимки янгини тушуниб, эскини ардоқлайдиган бўлса, у устоз бўла олади.
- 55) Бир уйда аёлнинг овози баланд чиқса, у уйда хайрбарака йўқдир, у ердан саодат кутма.
- 56) Умр оқар дарё, бу дарёдан кимдир сузиб, кимдир оқиб, кимдир чўкиб ўтади.
- 57) Ўринли, ахлоқли ва адолатли яшамай туриб, яхши умр кўриб бўлмайди ва аксинча, яхши умр кўрмай туриб, ўринли, ахлоқли ва адолатли яшаб бўлмайди.
- 58) Фикри тоза, қалби пок инсондан касаллик чекинади, ҳаёти осуда, умри зиёда бўлади.
- 59) Ғамсиз яшашнинг белгиси тўрт нарсадир: булар яхши сўз, яхши феъл, яхши ният ва яхши сухбат.
- 60) Ўзгадан иллат қидирма, ўзингдан фазилат қидир.
- 61) Кўнгил бир боғ, унда алвон гулларни хам ўстириш мумкин ёки тиканзорга айлантириш хам мумкин.
- 62) Рўзгор-икки кишининг қўли, икки кишининг ақли билан тўқиладиган умр занжиридир.
- 63) Ранж чекмасдан туриб, ганж эшигини очиш мумкин эмас.

- 64) Устоз минг уринмасин, шогирднинг ўзида учқун бўлмаса, у аланга олмайди.
- 65) Илм тўғриликни, халолликни, покликни ёқтиради. Бусиз илмли бўлиш қийин.
- 66) Хар қандай маърифат-садоқатдир. Маърифат ёйиш бирорларга билмаганларини билдириш, бетаъма устоз бўлиш олийжаноб одамларнинг бошқаларга қилган маърифат садоқатидир.
- 67) Тамаки- ёшни қилар амаки.
- 68) Мастлик-ихтиёрий жиннилиқдир.
- 69) Бир одамнинг туғрилиги ва адолатли, садоқатли эканлигини билиш учун унинг авлоди, ота-боболари ким эканлигини билиш керак.
- 70) Хозирда айрим расм-русимлар одамлар учун эмас, одамалар расм-русимлар учун хизмат қиласиган бўлиб қолдилар.
- 71) Гўзал бўлиш учун чиройли бўлишнинг ўзи кифоя эмас.
- 72) Пасткаш мақтангани билан буюк бўлмас, эчки юргургани билан кийик бўлмас.
- 73) Совун кирни йўқотади, жахл ақлни.
- 74) Иззатталаб дўстдан қоч.
- 75) Агар одам кимгадир бўлса қарам, уни бошқарур ғазаб ва алам.
- 76) Ўтмишдаги ёқимсиз воқеаларни эслаб сиқилгандан кўра, келажакка режа тузиб, орзу-умидлар билан яшаган яхши.
- 77) Ёш мутахассис ишлашни билмайди.

Тажрибали мутахассис эса ишламасликни билади.

78) Ўзгалар айбига тетик назар сол,

Ўз айбинг кўргандек, ундан ибрат ол.

79) Лайли зотидан эрсамда дилда Мажнунча хаво!

Тоғу-тош кезгим келур, лекин йўлим тўсган хаё.

80) Илмли одам-иликлик суюк,

Илмсиз одам-иликсиз суюк.

81) Донода онг, нодонда тил ишлайвераркан,

Кунгилларни хар ким хар хил хушлайвераркан.

82) Дунё баъзан донмас, курмак ташлайвераркан,

Қалдирғочлар кетса, ўрдак қишилайвераркан.

Тўртликлар

83) Ёшлик ортда қолди, тургин оёққа,

Азму-шижоатни унитма болам.

Насихат ёқмайди энди қулоққа,

Ақлу фаросатни унутма, болам.

84) Бу дунё аслида алдамчи дунё,

Унда лўттибозу нокаслар бисёр,

Сен мардлар қошида мард бўлгин, бисёр,

Хайру саховатни унутма болам.

85) Балки дастурхонинг доим мўл бўлмас,

Омад хам хамиша чарақлаб кулмас.

Ким айтар суянган падаринг ўлмас,

Сабру қаноатни унутма, болам.

86) Оғам деб кимлардир силар бошингни,

Укам деб, еб кетар бирор ошиングни.

Минг бор тарозига солар тошингни,

Макру адоваратни унутма, болам.

87) Турфа синовларга дуч келган инсон,

Гоҳида шодондир, гоҳида нолон,

Чорасиз қолсанг хам, лекин хеч қачон,

Адлу адолатни унутма, болам.

88) Дунёда ҳеч одам бегам эмасдур,

Ақлли хар одам хуррам эмасдур,

Бегам бўлса ёки одам эмасдур,

Эй ул одам ахли олам эмасдур.

89) Омон берди, элга салом қилувчи,

Саломатлик топди, алик олувчи,

Салом бўлди одам тинчига гаров,

Соғлик олар, салом билан қолувчи.

90) Зўр кулфат соғликдан жудо бўлишлик,

Ё фарзанд доғида адо бўлишлик,

Хаммаси ёмону, аммо ёмони,

Ватани туриб, ватангадо бўлишлик.

91) Гулнинг ўткир тикони эмас,

Унинг ташқи сиймоси гўзал,

Қизнинг ташқи чиройи эмас,

Уминг ички дунёси гўзал.

92) Хаёт берилади инсонга бир бор,

Лек баҳор қайтади, тақрор ва тақрор,

Омад чўққисига чиққанда аммо,

Пиллапояни хам унутма зинхор.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК БОРАСИДА

1. Нечун доно каму, аммо нодан кўп,

Яхши уч-тўрттаю, лекин ёмон кўп.

Тил учида ҳасад бирла “Яхши” деб,

Босган изинг ўлчагувчи ҳамон кўп.

2. Тўғрилик кўп яхшидир, оламда қинғирлик ёмон,

Тарбият бирла тузалмас, бағри тош, кирлик ёмон.

Фарқ этиб яхши-ёмонни сўнгра йўлдош айлагил,

Тилда дўсту меҳрибонлик, дилда қилвирлик ёмон

3. Ёмонлик күрингай фақат "ярқ" этиб,
Яхшилик доим ҳам сезилмас балким.
Беш-үн мунофиқнинг касофати деб,
Хижолат тортади баъзида ҳалқим.

4. Ёмон ҳам ўтар, яхши ҳам, яхши бил,
Сени яхши ном бирла ёд этсин эл.

5. Ёмонлик бўлса ҳам ҳар қандай инсон,
Тарбия малҳамин сурткун ўша он.
Илонни кўрдингми, бошин силашса,
Захридан эл учун бермоқда дармон

6. Заррача яхшилик бежавоб бўлмас,
Ёмонлик ҳам билгин, жазосиз қолмас.
Атрофга қарагин, ҳисоб бўляпти,
Нени қилса инсон шуни кўряпти.

7. Агар ер тинч турсин десангиз, ер устида ҳадеб
тўполон қилманг!

8. Ёшимни сўраманг, яхшилар,
Муҳиммас нечага кирганим.

Сўраманг не ззгу иш қилдим,
Ёшимни сўраманг яхшилар.

9. Яшаган йилларнинг ҳисоби,
Бўлаолмас тарози узра тош.
Ҳақиқий инсоннинг қийматин
Ўлчамас, ўлчаолмас асло ёш,

10. Одамнинг энг баҳтли вақти – бошқаларга эзгулик қилган онларири.

11. Беминнат қилган эзгулик – энг мақбул ва гўзал эзгулиқидир.

12. Мардларнинг ишларин андеша қил,
То тириксан яхши ишни пеша қил.

13. Ёмонлик бўлса ҳам ҳар қандай инсон,
Тарбия малҳамин сурткин ўша он.
Илонни кўрдингми, бошин силашса,
Захридан эл учун бермоқда дармон.

14. Касални кўриш – суннат, аммо бошида давра қуриб узоқ ўтириш – бидъатдир.

15. Инсоннинг заифи айбни бошқалардан излайди.
- 16) Бир соатлик адолат, олтмиш йиллик ибодатдан афзал.
- 17) Яхшилик юзда зиё, қалбда нур, жисмда қувват, ризқда кенглик ва инсонлар қалбида муҳаббат пайдо қиласи.
- 18) Ёмонлик юзда қоралик, қалбда зулмат, жисмда заифлик, ризқда торлик ва инсонлар қалбида нафрат пайдо қиласи.
- 19) Яхшилик дарахтини эккан, омонлик ва хотиржамлик мавасини териб олади.
- 20) Ёвуздлик уруғини сепган, пушаймонлик хосилини йиғади.
- 21) Ёмонга құшни бүлған одам, денгиз сайёхига ўхшайды, у гарқ бўлишдан қутилса хам, қўрқувдан қутила олмайди.
- 22) Кимки алам ва ситам дарахтини экса, уқубат ва азоб мевасини териб олади.
- 23) Қалбда йигилиб ётган адоват кул остидаги чўғга ўхшайды. Чўғ ўтинга тушса, ёндириб юборгани каби, адоват фурсати келганида ғазаб ўтига айланади. Бу ёнғинни на сўз, на хокизорлик, на ёлвориш, на хийла, бир сўз билан айтганда хеч нарса сўндираолмайди.
- 24) Мухтоҗлик соатларини унуггин, аммо улар ўргатганларини унутма.
- 25) Минг насиҳатдан бир мусибат яхши, у инсоннинг ақл-хушини жойига келтиради.
- 26) Яхшилик теварагида айланаолмасанг, яхшилар теварагида айлан.

Тұртликлар

- 27) Бир ғарип күнгилни қилаолсанг шод,
Яхшидир ер юзин қылғандан обод.
Лутфингла бир дилни қул қилаолсанг,
Афзалдир юз қулни қылмоқдан озод.
- 28) Рост ёнида афсус, ёлғон учрайвераркан,
Бир яхшига бир ёмон дучтайвераркан.

КАМТАРЛИК ВА КИБР БОРАСИДА

1. Одамзод курашиб яшар умрбод,
Гоҳ ғолиб, гоҳ ғамгин, гоҳ мағлуб, гоҳ шод.
Ғолиблик пайтингда кетма ўзингдан,
Мағлублик онда ҳам қайтма сўзингдан.

2. Гарчи шунча мағрур турса ҳам
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?

3. Камтарин бўл, хатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан.

Пиёлани инсон шунинг-чун
Үпар доим пешонасидан.

4. Йўқ нарса ҳам бор бўлур, сен камтар бўлсанг,
Бор нарса ҳам йўқ бўлур, сен манман бўлсанг.

5. Мақтанган панд ейди, камтарин қанд ейди.

6. Доно сира "Мен" демайди, "Биз" дейди.
Яхши одам кичикни ҳам "Сиз" дейди.
Ҳалол одам мол – дунёни ўйламай,
Эл-юрт омон бўлсин, дея ғам ейди.

7. Кишидаги яхши фазилатларни йўқотиб, ёмон ҳислатларни юзага чиқарадиган нарса - манманлик ва баҳиллиқдир.

8. Магурлик – ақлсизлик аломатидир. Кибраниш, магурланиш инсонни ҳалокатта солади. Гарчи магур, тақаббур кишилар бой, олим, мансабдор бўлсаларда, жамият ўртасида ҳеч қадрлари бўлмайдилар. Уларни кўр-кўона хурмат қиласидилар холос. Охирида бундайлар хорликда, ёлғизлиқда яшашга маҳкумдирлар.

9. Ақл белгиси – камтарлиқдир, мутаффаккирлак белгиси эса жим туришлиқдир.

10. Очкўз, таъмагир одам бой бўлсада, аслида ғаридир...
- 11) Сабр ва чидам-барча мушкул ишларнинг ечиш калитидир.
- 12) Кишидаги яхши фазилатларини йўқотиб, ёмон хислатларини чиқарадиган нарса-манмалик ва баҳиллиқдур.
- 13) Хар ишда аспло ошмай маромдан,
Халолни фарқ қилиш лозим харомдан.
Маромни билмаса кимки хар ишнинг,
Ўз-ўзин бенасиб қилар оромдан.
- 14) Такаббурликни қилма дилга, пеша,
Товоззу айла хар кимга хамиша.
Бошоқ бошин кўтарди гердайиб, боқ
Бошин узди, туширди ёрга ўроқ.

МЕҲР ВА ОҚИБАТ БОРАСИДА

1. Муҳтоjлиқ соатларини унутгин, аммо улар ўргатгандарни унутма.
2. Қарич ерни талашарди,
Икки қўшни: "Меники" деб
Ерчи кулар: "Эй нодонлар,
Икковинг ҳам меники", деб

3. "Опа ёки сингилни излаб чиққан ака ёки ука, то манзилга етгунча жаңнат боғларида юргандек бўлади".

4. Дўстлар, яхшиларни авайлаб, асранг,
"Ассалом" деган сўз салмоғин сақланг.
Ўлганда юз соат йиғлаб турғандан,
Тириклик чоғида бир марта йўқланг.

5. Бир ғариб кўнгилини қилаолсанг шод,
Яхшидир ер юзин қилғандан обод.
Лутфингла бир дилни қул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни қилмоқдан озод.

6. Яхшиларни, дўстларим, асрай билинг,
Қадрини, қимматини сақлай билинг.
Ортидан отмангки гийбат тошини,
Ҳар қачон ўз номингиз оқлай билинг.

7. Дунёда меҳмонлар дунё талашса,
Хешу акроболар ола қарашса,
Бир-бирига ҳасад нигоҳ қадашса,
Ҳайқиргим келади шундайин дамлар:
Бағри кенгроқ бўлинг, азиз одамлар!

8. Тиклансын қайтадан дилдаги имон,

Уйғонсын мудраган покиза виждан.

Лоқайдликка қарши қайнаб турсин қон,

Дийнатли бўлинг, одамлар!

9. Ўзбекман, иншооллоҳ, иймоним бутун,

Тилим қисиқ эмас башариятдан.

Кимгадир тенгдирман, кимдандир устун,

Зувалам қорилган самимиятдан.

10. Уйга меҳмон келса кулиб чиқ дарров,

Шоду хуррамликка тўлиб чиқ дарров.

Бошингда чарх уриб турсада ғамлар,

Меҳмонга бошқача бўлиб чиқ дарров.

11. Мард киши ҳар ишни ҳаёда қилар,

Меҳмонга кулгисин зиёда қилар.

Мансабда бўлса ҳам, отнинг устида,

Шу куни ўзини пиёда қилар.

12. Нур ёғар ҳар хонага келганда меҳмон яхшилар,

Хуш чиройли кутса кимки яхши мезбон яхшилар.

Келгувчи ким бўлмасин хеш-аҳробоми, ёт, бўлак,
Чеҳранг очиб қарши ол қилмай паришон, яхшилар.

13. Меҳмон келса эшиқдан, рисқи келар тешикдан

14. Меҳмон келса чоптирас, бор йўғини топтирас.

15. Жамият бўйнига юқ бўлган
Юз йилни қилмайман ҳавас.
Одамлар жонига жон бўлиб,
Бир нафас яшашнинг ўзи бас.

16. Кимда гар сахийлик одати йўқдур,
Яхшилик кутмоқнинг хожати йўқдур.

17. Кўнгил деган мамлакатга шоҳ бўл аввал,
Ҳеч бўлмаса битта дўстга тоғ бўл аввал,
Хоҳ шоҳ бўл, хоҳ гадо, хоҳ буюк бўлгин,
Аввал охир шу элингда суюк бўлгин.

18. Химматингни тут баланд эл олдида,
Химматингча мартабанг бўлгай баланд.

19. Күнгилни равшан эт меҳру вафодан,
Үгирма юз бурунги ошнодан,
Агар ошнанг фақир бўлса, унутма,
Унга ёрдам этишдан қўлни тортма.

20. Ожизу дардманларга қил карам,
Токи бўлмагайсан жоҳонда мухтарам.
Сен бу иш бирла агар бўлсанг мудом,
Мақсади аълода тутгайсан мақом.

21. Оқшом ғаниматдир, наҳор ғанимат,
Куй қўшиқ ғаниматдир, ёр-ёр ғанимат.
Дил тафтин дил тортар деган ҳикмат рост,
Бу қисқа дунёда дийдор ғанимат.

22. Элнинг дарди билан куйсагина жон,
Ўша жон згаси – ҳақиқий инсон.
Нонга бок, тандирга ўзини ёққач,
Уни олқишлиайди, ойнаи жаҳон.

23. Давлатинг борида, авжинг зўрида,
Йўқлаб келар хатто бегоналар ҳам.

Давлатинг йўғида, бахтинг шўрида,
Саломинг олмайди девоналар ҳам.
24) Мехр билан туғилган инсон, оқибат билан тирик.
25) Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ.
26) Армонга ачиниб эмас, орзуга интилиб яшаш керак.
27) Кимки бир беморни кўргани борса, етмиш минг фаришта
унинг хаққига истиғфор айтиб, у билан бирга бориб
келаркан.
28) Хар ким таъма қўйин тутса агар пеш,
Оқибат бир кун бўлғуси дарвеш.

Тўртликлар

29) Сенга бахту-омад тилаб юрганлар,
Кўзингни ёгини ялаб юрганлар,
Давлатинг гулин еб, сайраб юрганлар,
Кўл берган дўстинг ҳам сотаркан бир кун.
30) Атрофингда юрган парвоналаринг,
Изларинг зор бўлиб пойлаганларинг,
Хатто ёнингда бел боғлаганларинг,
Бир девор қўшнинг ҳам сотаркан бир кун.
31) Хаётда меҳрдан яралган инсон,
Мехрла яшайди хар бир кекса, ёш,
Умр ўткинчидир, ғанимат хар он,
Мехрла яшайлик, азиз замондош.

32) Шундайлар бор, сенга лутф айлаб,
Дүстим дея қўлин тутарлар,
Лек ҳар зум қадаминг пойлаб,
Хато қилишингни улар кутарлар.

33) Қиз йўқ уйда сарин сабо эсмайди,
Қиз йўқ уйда жамбил, райхон ўсмайди,
Ўғилларнинг ота билан иши йўқ,
Қиз отасин ҳар қадамда эслайди.

ОТА – ОНА ХУРМАТИ БОРАСИДА

1. Фарзанднинг яхшиси-дилбанд бўлади,
Отаю-онага бир қанд бўлади.
Ёмони бошингга келтирас бало,
Еганинг аччиқ сўз ва панд бўлади.

2. Она фарзандига меҳрин бермаса,
Ошиқ ёри учун гуллар термаса,
Фарзанд онасини йўқлаб келмаса,
Ҳайқиргим келади шундайин дамлар:
Меҳрлироқ бўлинг, азиз одамлар

3. Юртбошинг даъватига қулоқ сол ўғлон,
Элим деб, юртим деб яшагин сен ҳар он.
Сен мустақиллик сўзин маъносин уққин,
Ўз қўлингдадир келажак, буюк даврон.

4. Одамзоднинг даврасида табаррук,
Табарруклар даврасида энг буюк.
Энг буюклар даврасида энг суюк,
Онадир ул, онадир ул, онадир...

5. Отага билак, онага юрак бўлинг.
6. Онанинг меҳри ҳам зўр, қаҳри ҳам зўр.
7. Онангни қандай улуғ неъмат эканлигини, онасидан жудо бўлганлар билан суҳбатлашганда биласиз.
8. Ҳақиқий фарзанд ҳар бир соҳада отасининг ҳукмига тобе бўлиши керак.
9. Ота дого куйдирап, она дого ўлдирап.
10. Отаси борнинг унуми бор, онаси борнинг тиними бор.
11. Отаси бор отланмас, онаси бор тебранмас.
12. Фарзанд отадан кўрқмасин, отани хурмат қилсин.

13. Отангни гапини икки қилма, икки дунёйинг куйиб кетади.

14.Ислом: "Жаннат оналарнинг оёқлари остида" деб билган, она ризосини олган фарзандга тўғри жаннатга киришга хукуқ бергандир.

15.Яхши фарзанд ота-онани вазир этади, ёмон фарзанд разил этади.

16.Эй ўғил, қиз! Сен ота-онангни мамнун эта олсанг, дуоларини ола билсанг, улар сенинг жаннатингдир. Агар уларга қиё боқа олмасанг, улар сенинг жаҳаннаминг ҳамдир.

17.Ота-она масъулиятини фақат ўғиллар ўз зиммасига олади деб, қайда

айтилган? Ота-онани асраб-авайлаш, ўғилга ҳам, қизга ҳам бирдай
тўтиёдир

18. Айтчи дўстим, ҳаётда қандай бўларди?

Қизлар туғилмаса, она бўлмаса.
Ўзинг ҳам дуёнга қайдан келардинг,
Онанг сени туғиб, катта қилмаса.

19. Ўзинг улғайгандек, кўксинг тоғ этма,

Алла айтган волидангни койитма.
Оқ сут берган онанг дилин оғритма,
Бил, эй фарзанд ота-онанг ғанимат.

Үғлим сўрамасман сендан мол-дунё,

20.Уй ҳам қуриб берма, майли, аломат.

Майли, кўзларимга бўлмагил зиё,

Ёнимда юрсанг бас соғу саломат.

21.Майли, кўтартмагил мени елканѓа,

Қалқон ҳам бўлмагил ёғса маломат.

Бир куни ёстиққа бошим текканда,

Тепамда турсанг бас соғу саломат.

22.Она кечирмаса, мумкиндири, аммо

Ота кечирмаса чора йўқ асло.

Ноқобил ўғилдан душман афзалроқ,

Ота англасайди буни аввалроқ...

23. Шул ҳаётдан ризоман, чекмадим андух алам,

Шунга боис шу, азизлар, хўб дуо қилган отам.

Ким отасин ва она, хеш-акрабосин қилса шод,

Мен кафилман унга минг бор, кўрмагай беҳуда ғам.

24. У вафодорларни доим амрида юрган здим,
Күл очиб минг раҳмат айтиб лутф ила қилди карам.
Пандини тинглаб, улар режасида юрган здим,
Үтди умрим хўб фаровон, бўлмадим ҳаргизда ғам.
25. Отанинг қарғиши-отилган бир ўқ!
Она қарғишининг ҳам давоси йўқ.
Эй фарзанд, уларнинг дусосини ол!
Яшнай десанг, қарғиш олишингдан қўрқ.
26. Ҳаётда ота-онадан ризо бўлмоқдан, ота-онанинг
розилигига мұяссар
бўлмоқдан улугроқ савобу – баҳт йўқдир.
27. Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин.
- 28."Ота-онанинг дусоси пайғамбарлар дуосидан ҳам
афзалроқдир" дейишади.
29. "Ҳаётдан маъно-ю мазмун йўқолар,
Юрак танхоликнинг куйини чалар.
Байрамлар байрамга ўхшамай қолар,
Агар бу дунёда "аёл" бўлмаса".

30. Ота онанинг, она эса ҳеч қачон отанинг ўрнини боса олмайди.
- 31) Ота она беҳад бўлади ҳурсанд,
Фарзанди бўла олса муносиб фарзанд.
- 32) Таниқлигу-шарафинг отангдандур, меҳрибонлик, мушфиқлик онангдандир.
- 33) Отаси яхши-биттаси яхши, онаси яхши-хаммаси яхши.
- 34) Отаси ёмоннинг бири ёмон, онаси ёмоннинг бари ёмон.
- 35) Дўстни хўрлаш-гуноҳ, умр йўлдошни хўрлаш-юз хисса гуноҳ, ота-онани хўрлаш-минг хисса гуноҳ, гўдакни хўрлаш-чексиз гуноҳ.
- 36) Аёли хўрланган оилада мискин фарзанд тарбияланади.
- 37) Онангни бошингда тутсанг, синглингни кафтингда тут.
- 38) Ота-онанинг юзига қараб ўтиришликнинг ўзи катта ибодатдир.
- 39) Ота қарғишига учраган фарзанд, қанча харакат қилса ҳам ҳаётда бебахтдир.
- 40) Отанг қадрини билсанг, одам қадрини биласан.
- 41) Ота бўлиш осон, лекин оталик қилиш қийин .
- 42) Агар аёл бўлмаса, хар қандай хонадоннинг баҳти кемтик бўлиб тураверади.

Тўртликлар

- 43) Ҳаётин айланса дўзахга бир кун,
Яқининг айланса узоқча бир кун,

Дўстларинг айланса тузоқقا бир кун,
Билгинки, бораринг ота –онангдир.

44) Дардларинг сен билан ютгувчи улар,
Кетсанг гар сафарга кутгувчи улар,
Ииқилсанг қўлингдан тортгувчи улар,
Билгинки, қадрдон ота-онангдир.

45) Қувонсанг қувониб бағрига босган,
Кўзлардан асрабон туморлар осган,
Шодлигинг кўрганда қувониб, тошган,
Билгингки, азизинг ота-онангдир

46) Сахрода ўхшагай аёлсиз дунё,
Қуригай, қақрагай аёлсиз дунё,
Туюлгай ғалати аёлсиз дунё,
Чунки жим қолади аёлсиз дунё.

47) Молу-давлат қўша-қўша келса ҳам,
Юрган йўлинг сулувларга тўлса ҳам,
Кўзинг тойиб, иймонинг суст бўлса ҳам,
Уйдаги ёр, фариштангни йиғлатма.

48) Узоқ умр қўрай десанг, дуо олгин,
Бахтдан қаср қўрай десанг, дуо олгин,
Соф-омон юрай десанг, дуо олгин,
Дуо олгин отанг бирла онангдан сен.

- 49) Күнгил қуши: "Кезсайдим, күп олам" деркан,
Хофиз: "Қани, зүр бўлсайди нолам" деркан,
Ота-она ўлгунча "болам" деркан,
Айтинг дўстлар, фарзанд қачон отам деркан, онам деркан.
- 50) Ҳаётдан маъно-ю, мазмун йўқолур,
Юрак танҳоликнинг куйини чалар,
Байрамлар, байрамга уланмай қолар,
Агар бу дунёда "аёл" бўлмаса.
- 51) Чиқмаса қиздир, ўғил ота-она фармонидан,
То ҳаёт экан улар, аъло кўрап ўз жонидан,
Кексайиб қолган чоғи, тез-тез келиб, ҳолин сўраб,
Кўнглингиз нима типар деб, ол хабар туз-нонидан.
- 52) Соғлом аёл керак ҳаётга,
Фарзанд ўстиришга, рўзгор тутишга.
Ёр кўнглин олишга, меҳмон кутишга,
Яна қанча-қанча дардин ютишга.
- 53) Қариси бор уйнинг париси бордир,
Қариси бор уйнинг зариси бордир,
Яхши ниятлари доимо ёрдир,
Кексалар доуга қўл очса агар.

СЎЗЛАШ ОДОБИ БОРАСИДА

1.Бир сўз бор, у эрталабдан бошланур,

Одобрение боши ҳам – ундан бошланур.

Уни одат қылған етар муродга,

Одат қымбаган-чи, қолар уятга.

2. Омон берди, элга салом қилувчи,

Саломатлик топдик, алиқ олувчи.

Салом бўлди одам тинчига гаров,

Соғлик олар, салом билан қолувчи.

3. Дил меҳригиёси саломим менинг,

Юрагим кимёси саломим менинг.

Ҳақ ёки ноҳақдан кўнгил синганини,

Амар мўмиёси саломим менинг.

4. Оғиз ичидағи тил, қин ичидағи яширинган қиличdir.

5. Тил тезлигидан, қадам тезлиги яхши.

6. Тил борки бол келтиради, тил борки бало келтиради.

7. Ножинс сұхбатидан илондан қочгандаи қоч!

8. Гўзал сўзлар фақат амалга оширилгандагина чиройли натижалар беради.

9. Ғазаб – шундай бир оловки, у ўз соҳибини ёндиради.
Жавобни юмшоги ғазабни сўндиради, сўзни қаттиғи эса,
одамни ўлдиради.

10.Икки нарса керак вужуд учун, бил:

Биринчиси дилдир, иккинчиси – тил.
Дилни сен меҳр ила шафқатга тўлдир,
Тилни ҳақиқатнинг ўтқир тиги қил.

11. Севдирган ҳам тил, бэздирган ҳам тил,

Тўғридан эгрига оздирган ҳам тил.
Тохирнинг дарёга оқизган хатто,
Мажнуни чўл, даштда кэздирган ҳам тил.

12. Яхши сўз илонни чиқарармиш индан

Ёмон сўз инсонни чиқарармиш диндан
Қаранг, бир оғизнинг ажиб, хикматин
Гоҳ шакар, гоҳ захар тўқилур ундан.

13. Яхши гапга чиққар илон инидан,

Бад суҳандан яроғ чиққай қинидан.
Яхши сўзлаб ёвни ҳам ўртоқ қилинг,
Белга ҳиммат камарин белбоғ қилинг

14. Тилдан чиқарма бу ёлғон сўзинг,

юзинг Бу ёлғон туфайли қародур юзинг.

Ёру дўстга доим яхшилик ўйла,
Улугу кичикка боқа бил кула.

15. Оғзига келганини демоқ нодоннинг иши,
Олдига келганини емоқ ҳайвоннинг иши.

16. Сўз – инсон юрагининг калитидир.

17. Ўз тилимизни билмаслик, буюк
бобокалонларимизнинг гапларини унутиш – кечирилмас
холат, хатто жиноятдир.

18. Бир оғиз ширин сўз айтмоғинг учун,
Пулнинг ҳожати йўқ, сотиб олмассан.
Асло сарф этмассан ортиқча кучинг,
Ва асло отдан тушиб қолмассан.
Бир оғиз ширин сўз айтмоққа фақат,
Кўнгилда иштиёқ, истак бўлса бас!

19. Яхши сўз айтиш ҳам савоб.

20. “Оғиз ичидаги тил қин ичидаги яширган қиличдир”.

21. “Тил тезлигидан, қадам тезлиги яхши”.

22.“Тил тинч бўлса, бош саломат бўлади”.

23.Жаҳонда гўёки султон эрур тил,

Қалбларга севинчу, ҳам жон эрур тил.

Ноўрин айтилса, дилинг ранжитиб,

Умрингга заволу зиён эрур тил.

24)Ширин ва эзгу сузлар оқиб турган зилол сувга ухшайди.

Зилол сув қаерга оқиб борса , бу ерда анвойи чечаклар униб чиқади.

25)Еру-осмон дуо билан омон

26) Ширин сўзли шилгай душман пўстини,дағал сўзли душман қилар дўстини.

27) Фарзанд ўйи-ўйлатади, ўйламай кўрчи, сўзламасанг сўзлатади, сўзламай кўрчи.

28) Сўзингни эшитишларини истасанг қаттиқ гапир,

Уни тушунишларини истасанг, ишдан гапир, ҳурмат қилишларини истасанг, тўғри гапир, эслаб қолишларини истасанг, ақлли гапир, шуларнинг хаммасига бир гапда зришмоқчи бўлсанг, кулдириб гапир.

29) Инсон кимлигини билмоқчи бўлсанг, унинг гапиришини кутиб тур, чунки унинг тили сенга қалбидаги ширин нордон ҳуштamu- аччиқ нарсаларни хадя этади.

30) Кўп гапириш ақлнинг озлигидан, ёлғон сўзлаш ироданинг заифлигидан, овознинг баландлиги ичida ҳеч нарса йўқлигидан далолат беради.

- 31) Ҳар қандай одамга ишониб сириңгни айтма, ҳар қандай душманга эса зулмингни ҳаддан оширма, душманинг дүст бўлиб қолиши, дўстинг душманга айланиши мумкин.
- 32) Кишининг тойиши-оёгини шикастлайди, тилнинг тойиши барча неъматлардан маҳрум этади.
- 33) Оғзига келганни демоқ, нодоннинг иши, олдига келганини емоқ хайвоннинг иши.
- 34) Сувнинг мазаси муз билан, ошнинг таъми туз билан, инсоннинг яхшилиги-сўз билан.
- 35) Сўзни кўнгилда пиширмагунча тилингга чиқарма.

Тўртликлар

- 36) Ўйлаб гапир, кўнгил ранжир,
Арзимаган бир сўз билан.
Аммо лекин олиб бўлмас,
Дилни баъзан минг сўз билан.
- 37) Салом бермоқлиқдур элга яхши одоб,
Доимо топурсан, нурли саодат.
Аллоҳим берибди сенга соф қалом,
Хаётда доимо бўлгин серсалом.

Азиз китобхон!

Сиз хикматлар билан танишдингиз. Улар сизнинг маънавиятингизни бойитишига озгина булса хам ёрдам берганига шубҳам йук.

Шуни айтиб ўтишни лозим топдимки, сўнгги пайтларда ота – оналар томонидан кўп холларда фарзандларига тез айтишлар, топишмоқлар айтилмаётганлиги, маколлар, хикматларнинг магзини чакиш ўргатилмаётгани, балки ёшларимизда фикрлаш, ўйлаш, мулоҳаза қилиш қобилиятини сўндириб бораётгандир. Бугун ёшлар учун мулоҳаза қилишдан кўра, тақлид қилиш осонроқ бўлиб бормоқда. Ноқонуний йўллар билан юртимизга кириб келаётган видеолавҳалар, клиплар, интернетдаги лавҳалар таъсирида ёшларимиз ўз ҳаётларига янгидан – янги одатларни олиб кирмоқдалар. Бу одатларнинг қай бири улар ҳаётини мазмунли қиласи, қай бири баҳтсизлик сари етаклайди, буни ҳаётнинг аччиқ – чучугини тотган катталар ёшларга эринмай тушунтиришлари керак.

Ўзгаларнинг сийқаси чиқиб кетган удумларига хавас қилгандан кўра, ўзимизнинг миллий удумларимизни асраб – авайлаб, ёшларга доимо уқтирайлик. Булар ибратли ривоятларда, хикматларда, мақолларда ўз аксини топган десак, адашмаган бўламан

МУНДАРИЖА

1.Сўз боши-	3
2.Китоб инсонга ҳам дўст, ҳам ҳамроҳ-	4
3.Китоб инсонни қандай яшашга ўргатади-	7
4.Китоб ўқиши энди ўргандим-	10
5.Китоб хақида яна нималарни биламиз?-	14
6.Мени улғайтирган асар-	16
7.Оилада китобнинг ўрни-	20
8.Фидойи маърифат тарқатувчи-	25
9.Китоб хақида донолар фикрлари-	30
10.Буни билиб кўйганингиз маъқул-	33
11.Одоб ва аҳлоқ борасида-	35
12.Яхшилик ва ёмонлик борасида-	4
13.Камтарлик ва кибр борасида	49
14.Меҳр ва оқибат борасида-	51
15.Ота-она хурмати борасида-	57
16.Сўзлаш одоби борасида-	65

Босмахонага 2020 йил 10 апрелда берилди. Босишига
2020 йил 15 апрелда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.
Хажми 5.75. босма табок. Times New Roman гарнитураси,
оффсет көгози, оффсет усулида чоп этилди.

“Step by step print” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Андижон шаҳар Храбек кӯчаси 94-б уй.
Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлигининг 12.07.2019 даги 12-3299. рақамли гувоҳномаси.